

## Ҳамкорликдаги очиқ амалий машғулот

«Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили»да ёшларга сифатли таълим бериш, уларни илм-фанга қизиқтириш борасида «Гидравлика ва гидроинформатика» кафедраси профессор-ўқитувчилари, докторантлар, кафедра қошида ташкил этилган “Эврика” тўғараги иқтидорли талабалари жорий йилнинг 13 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли Ўзбекистон — 2030» Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги 2020 йил 5 октябрдаги ПФ-6079-сон Фармонида белгиланган вазифаларни ижросини таъминлаш мақсадида ҳамда «Гидравлика ва гидроинформатика» кафедраси ва Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Ахборот-таҳлил ва ресурс маркази билан тузилган меморандумга асосан очиқ амалий машғулот ташкил этилди.



Очиқ амалий машғулотда “Гидравлика ва гидроинформатика” кафедрасидан докторантлар Л.Самиев, С.Хошимов, С.Жонқобилов, Д.Атакулов, Д.Аллаёров, С.Меликузиев, магистрант Ш.Қорахонов, бир гуруҳ “Эврика” тўғараги иқтидорли талабалари ва Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг Ахборот-таҳлил ва ресурс марказидан марказ директори Ш.М.Қурбонов, етакчи мутахассис И.Фозиловлар Suver Dopler S-30 ва Япония давлатида ишлаб чиқарилган KENEKLP-30 замонавий вертушкаси билан шахримиз марказдан оқиб ўтувчи Бўзсув каналида оқим чуқурлиги бўйича нуқталардаги тезликларни аниқлаш ишлари биргаликда олиб боришди. Иқтидорли талабалар бу ишларни ўзлари амалда бажариб кўрдилар ва катта қизиқиш билан кузатиб бордилар.



**ТИҚХММИ матбуот хизмати**